

Ўзбекистон Республикасида қурилиш

2026 йил январь-июль ойлари учун

- I. Бажарилган қурилиш ишларининг ҳажми – жами
- II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари
- III. Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг тақсимооти
- IV. Қурилиш ишлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Бажарилган қурилиш ишларининг ҳажми – жами

2026 йилнинг январь–июль ойларида Ўзбекистонда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 227 446,6 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 112,9 фоизни ташкил этди.

1-расм. Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари



1-жадвал. Ҳудудлар кесимида бажарилган қурилиш ишлари, 2026 йил январь-июль

	Ҳажм, млрд сўм	Ўсиш суръати, 2025 йилнинг мос давrigа нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси¹	227 446,6	112,9
Қорақалпоғистон Республикаси	7 761,9	141,9
ҳудудлар:		
Андижон	10 577,7	118,8
Бухоро	12 674,6	115,3
Жиззах	5 539,3	121,1
Қашқадарё	11 066,4	115,3
Навоий	9 907,9	126,5
Наманган	9 980,1	114,0
Самарқанд	11 219,3	138,0
Сурхондарё	9 889,6	126,0
Сирдарё	4 719,0	125,0
Тошкент	21 080,7	114,3
Фарғона	13 770,4	119,5
Хоразм	10 328,9	128,5
Тошкент шаҳри	76 196,9	109,2

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

¹ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда

II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари


2026 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистонда қурилиш ишлари иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланди:

- умумий қурилиш ишлари ҳажмида бино ва иншоотлар қурилишининг улуши 68,3 фоизни, ўсиш суръати эса 2025 йилнинг январь-июль ойларида нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди.

- фуқаролик объектлари қурилишининг улуши 19,9 фоизни, ўсиш суръати эса 2025 йилнинг январь-июль ойларида нисбатан 122,3 фоизни ташкил этди.

- ихтисослаштирилган қурилиш ишларининг улуши 11,8 фоизни ташкил этиб, ўсиш суръати эса 2025 йилнинг январь-июль ойларида нисбатан 141,2 фоизга тенг бўлди.

2-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари, 2026 йил январь-июль



2-жадвал. 2026 йил январь-июль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари

	Бино ва иншоотлар қурилиши	Фуқаролик объектлари қурилиши	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари
Йирик қурилиш ташкилотлари ҳажми, млрд сўм	36 358,8	14 787,8	5 720,8
ўсиш суръати, %да	108,9	131,3	134,9
Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳажми, млрд сўм	74 584,1	30 382,0	21 256,5
ўсиш суръати, %да	106,1	118,4	142,9
Аҳоли томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми, млрд сўм	44 344,8	11,8	-
ўсиш суръати, %да	106,3	4,8м	-

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)

[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)


[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

III. Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг тақсимооти

3-расм. Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, 2026 йил январь-июль




2026 йилнинг январь-июль ойларида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми жорий нархларда 56 867,4 млрд сўмни ташкил этди. Уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 25,0 %га, 2025 йилнинг январь-июль ойларига нисбатан ўсиш суръати эса 116,3 %ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажмдаги улуши 55,5 %ни ташкил этди. Улар томонидан бажарилган ишлар ҳажми жорий нархларда 126 222,6 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг январь-июль ойларига нисбатан ўсиш суръати 113,9 %га етди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмининг 19,5 %и аҳоли томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳиссасига тўғри келди. Уларнинг ҳажми 44 356,6 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг январь-июль ойларига нисбатан ўсиш суръати эса 106,3 %га тенг бўлди.

4-расм. Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари, 2026 йил январь-июль




3-жадвал. Корхона турлари ва ҳудудлар бўйича қурилиш ишлари ҳажми,
2026 йилнинг январь-июль ойлари

	Ҳажм, млрд сўм			Ўсиш суръати, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда		
	Йирик қурилиш ташкилотлари	Кичик корхоналар ва микрофирмалар	Аҳоли томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари	Йирик қурилиш ташкилотлари	Кичик корхоналар ва микрофирмалар	Аҳоли томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари
Ўзбекистон Республикаси²	56 867,4	126 222,6	44 356,6	116,3	113,9	106,3
Қорақалпоғистон Республикаси	2 586,4	3 203,8	1 971,7	5,6м	103,2	103,7
ҳудудлар:						
Андижон	1 216,0	6 803,4	2 558,3	177,3	115,4	110,1
Бухоро	2 378,2	5 784,0	4 512,4	2,1м	102,5	107,2
Жиззах	795,1	3 446,1	1 298,1	142,4	119,2	115,6
Қашқадарё	2 981,6	5 253,1	2 831,7	124,0	117,3	104,1
Навоий	2 991,5	4 018,3	2 898,1	2,1м	112,3	103,5
Наманган	1 277,8	4 593,5	4 108,8	2,2м	105,8	106,8
Самарқанд	2 452,7	7 496,3	1 270,3	2,3м	131,0	96,4
Сурхондарё	1 356,5	5 601,6	2 931,5	170,4	131,2	105,5
Сирдарё	777,2	3 306,3	635,5	132,5	127,1	108,0
Тошкент	4 101,6	11 124,9	5 854,2	136,8	111,5	106,9
Фарғона	2 137,3	8 101,8	3 531,3	146,8	118,0	110,2
Хоразм	1 898,2	4 293,8	4 136,9	2,9м	118,0	110,3
Тошкент шаҳри	17 183,4	53 195,7	5 817,8	106,6	111,0	101,7

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг катта ҳажми Тошкент шаҳри (17,2 трлн сўм), Тошкент вилояти (4,1 трлн сўм) ва Навоий вилоятида (3 трлн сўм) қайд этилди.

5-расм. Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишларининг улуши, 2026 йилнинг январь-июль ойлари



² Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда

IV. Қурилиш ишлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Қурилиш ишлари – бино ва иншоотларни барпо этиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари мажмуаси сифатида қурилиш ишлаб чиқаришининг натижасидир.

Қурилиш ишлари қийматига қурилиш участкаларининг ўзлаштириш ишлари режасини тузиш ва тайёрлаш, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, пойдеворларни ўрнатиш, деворларни кўтариш, бино конструкцияларини монтаж қилишнинг санитар-техника ишлари, бошқа пудрат ишлари (ишга тушириш ва созлаш, ер қатламини очиш, маданий-техник ишлар ва бошқалар) киритилади.

Қурилиш ишларининг статистик ҳисоби ҳисобот даврининг амалдаги нархларида, қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда, тўлов муддатидан қатъи назар, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ҳажм бўйича амалга оширилади.

Қурилиш ишлари ҳажми бўйича статистик ахборотни шакллантириш:

а) қурилиш фаолиятини олиб борувчи юридик шахсларнинг статистик ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатув натижалари;

в) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотурар-жой объектлари қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари статистик ҳисоботлари;

г) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари;

д) якка тартибдаги уй-жойларни хўжалик усули билан таъмирлаш ҳажмини статистик баҳолаш асосида амалга оширилади.

Метамаълумотлар учун ҳаволалар:

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1875/Qurilish-ishlari.pdf>

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1877/Aholi-jon-boshiga-qurilishishlari.pdf>

Тайёрлаш учун масъул:
Инвестициялар ва қурилиш
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
Д. Хидиралиева
71 203-80-00 (1163)

Манзил:

